

Риёзус солиҳийн шархи / Риёзус солиҳийн шархи / 342-ҳадис

342 - وَعَنِ الْبَرَاءِ بْنِ عَازِبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «الخَالَةُ إِمْتِنَلَةٌ لِلنِّسَاءِ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ: وَقَالَ حَدِيثٌ صَحِيحٌ. [1904]

وَفِي الْبَابِ أَحَادِيثُ كَثِيرَةٌ فِي الصَّحِيحِ مَشْهُورَةٌ؛ مِنْهَا حَدِيثُ أَصْحَابِ الْعَارِ، وَحَدِيثُ جُرَيْجٍ، وَقَدْ سَبَقَ [بِرْقَمْ 17، 266]، وَأَحَادِيثُ مَشْهُورَةٌ فِي الصَّحِيحِ حَذَفُوهَا احْتِصَارًا، وَمِنْ أَهَمِّهَا:

342. Баро ибн Озиб розияллоху анхумодан ривоят қилинади:

Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Хола она ўрнидадир», деб айтдилар.

Имом Термизий ривояти. Имом Термизий уни сахих ҳадис деганлар.

Бу бобга тегишли машхур сахих ҳадислар жуда кўп. Улардан: Ғор соҳиблари ҳадиси ва юқорида ўтган Журайж ҳадисларидир. Лекин қисқароқ бўлиши учун келтириб ўтирамадик. Булардан энг муҳими кейинги 343-рақамли ҳадисдир.

Шарх: Ҳадиснинг тўла шакли қуйидагичадир:

Баро розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам зулқаъдада умра (қилишга ният) қилдилар. Маккаликлар у зотнинг Маккага киришларига кўнишмади. Нихоят, у ерда уч кун туришларига келишишди. Шартномани ёзганларида «Бу - Аллоҳнинг Расули Муҳаммад келишган нарсадир», деб ёзишди. Шунда

улар: «Биз буни тан олмаймиз, агар биз сени Аллоҳнинг Расули деб билганимизда, сени тўсмаган бўлардик. Балки сен Муҳаммад ибн Абдуллоҳсан», дейишиди. У зот: **«Мен Аллоҳнинг Расулиман ва Муҳаммад ибн Абдуллоҳман»**, дедилар. Кейин Алийга: **«Аллоҳнинг Расули»ни ўчир**, дедилар. У: «Йўқ, Аллоҳга қасамки, мен сизни ҳеч қачон ўчирмайман», деди. Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шартномани олиб, «Бу - Муҳаммад ибн Абдуллоҳ келишган нарсадир. Маккага бирорта ҳам қурол кирмайди, қинида бўлса, мустасно. Унинг (Макканинг) аҳлидан ўзига эргашишни истаган бирор кишини ҳам олиб чиқмайди. Шунингдек, ўз асҳобларидан у ерда туришни истаган ҳеч бир кишини ман қилмайди», деб ёздирилар.

У зот у ерга кириб, белгиланган муддат ўтгач, (мушриклар) Алийга келиб: «Соҳибингга айт, еrimиздан чиқиб кетсин, белгиланган муддат тугади», дейишиди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам чиқиб кетар эканлар, Ҳамзанинг қизи «Амакижон! Амакижон!» деб, уларга эргашди. Алий уни олиб, қўлидан ушлади ва Фотима алайҳассаломга: «Амакингнинг қизини ушла», деди. (Фотима) уни кўтариб олди. Кейин Алий, Зайд ва Жаъфар унинг (қизнинг) устида тортишиб қолишиди. Алий: «Унга мен ҳақлиман, у амакимнинг қизи», деди. Жаъфар эса: «У амакимнинг қизи, холаси менинг хасмим», деди. Зайд: «У акамнинг қизи», деди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам уни холасига беришга ҳукм қилдилар ва: **«Хола онанинг ўрнидадир»**, дедилар. Алийга: **«Сен мендансан, мен сенданман»**, дедилар. Жаъфарга: **«Сен менга хилқатда ҳам, хулқда ҳам ўхшайсан»**, дедилар. Зайдга эса: **«Сен бизнинг биродаримиз ва мавломизсан»**, дедилар».

Манба: hadis.islom.uz

